

## КЎРИҚЛАШ НАРЯДЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

*Рашидов Дилмурод Мамирович*

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Магистратура  
тингловчиси, майор*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш нарядларини тайёрлашда ўқитиш самарадорлигини ошириш ҳамда мазкур масала юзасидан хориж тажрибаси муҳокама қилинади.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается повышение эффективности обучения в подготовке Национальной гвардии Республики Узбекистан и зарубежный опыт по данному вопросу.

**Annotation:** This article discusses increasing the effectiveness of training in the training of the National Guard of the Republic of Uzbekistan and foreign experience on this issue.

**Калит сўзлар:** кўриқлаш, наряд, хориж тажрибаси, жанговар топширик, суверенитет.

**Ключевые слова:** охрана, наряд, зарубежный опыт, боевая задача, суверенитет.

**Keywords:** security, outfit, foreign experience, combat mission, sovereignty.

Мамлакатимизда шахс, жамият ва давлатга тегишли объектларни ҳамда мол-мулкларни ишончли кўриқлашни такомиллаштириш учун зарур шартшароитлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизматининг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича сўнгги йилларда кўплаб ислохотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси куч ва тузилмалари давлатимизнинг иқтисодий барқарорлигининг асоси сифатида мамлакатда тадбиркорлик муҳити яратилишини таъминлаш, шу жумладан мулкнинг барча турларини ишончли кўриқланишини таъминлаш вазифасини бажарадиган, шунингдек жамоат хавфсизлигини таъминловчи муассасалардан биридир.

Ташқи ва ички таҳдидларга қарши курашишга қаратилган ҳарбий ва бошқа чоралар Ўзбекистоннинг муҳим миллий манфаатлари ва стратегик устуворликлари орасида конституциявий тузумни, суверенитетни, давлат ва ҳудудий яхлитликни, ижтимоий барқарорликни, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш давлат хавфсизлик кучларининг тизимли фаолияти билан таъминланади, улар орасида Миллий гвардия алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги 2020 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ-647-сонли Қонуни Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси бўлинмаларига юклатилган устувор вазифаларни белгилаб берди. Мазкур қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари кўшинларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга бўлган махсус тури эканлиги ҳақида сўз боради. Шу билан бирга Миллий гвардиянинг асосий вазифалар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси таълим муассасаларида касбий таълимнинг асосий мақсадларидан бири бўлажак офицерларнинг ваколатлари ва касбий фазилатлари даражасига Олий таълимнинг давлат таълим стандартларида белгиланган талабларга жавоб беришдир. Бу борада Миллий гвардия Қўриқлаш нарядларини тайёрлашда ўқитиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни ўқитишда хориж тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Демак, куйида Қўриқлаш нарядларини тайёрлашда ўқитиш самарадорлигини ошириш бўйича баъзи ривожланган давлатлар тажрибасига тўхталиб ўтамиз.

Россия Федерацияси Миллий гвардияси кўриқлаш нарядларини тайёрлашда ўқитиш самарадорлигини ошириш жараёнининг мазмуни куйидагиларни ўз ичига олади:

- юқори сифатли ҳарбий кўмондонликни таъминлашнинг асосий хизмат режалаштирилган шакллари самарадорлигини педагогик назорат қилиш;
- кўллаб-қувватлашнинг асосий хизмат кўрсатиш-режалаштирилган шакли самарадорлигини ишлаб чиқиш, ҳарбий ва махсус техниканинг тўғри ҳолатини педагогик назорат қилиш;
- асосий хизмат-режали шакли ва ҳарбий хизматга бевосита тайёрлаш тизимининг самарадорлигини назорат қилиш;
- асосий хизмат кўрсатиш-режалаштирилган шакл ва кундалик ҳаётга бевосита тайёрлаш тизимининг самарадорлигини назорат қилиш;
- Россия Федерацияси Миллий гвардияси ҳарбий қисмларида, бўлинмаларида амалга оширилган асосий хизмат кўрсатиш режалаштирилган шаклларининг мониторинги натижаларини умумлаштириш;
- Россия Федерацияси Миллий гвардияси ҳарбий қисмларида, бўлинмаларида хизмат кўрсатиш режалаштирилган ўқитиш шакли субъектларини услубий тайёрлаш;
- Россия Федерацияси Миллий гвардияси кўриқлаш хизматчилари учун хизмат кўрсатиш режалаштирилган шаклларининг ўқув ва моддий базасини ривожлантириш.

Қозоғистон давлатида Миллий гвардияси қўриқлаш нарядларини тайёрлашда ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

– сифатли тайёрлашни амалга ошириш, офицерларнинг шахсий ва касбий малакасини ошириш, ҳарбий касбий таълим самарадорлигини ошириш, мудофаа ва миллий хавфсизлик соҳасидаги вазифаларни бажариш учун зарур бўлган касбий компетенцияни шакллантириш;

– ўз хизмат вазифаларини муваффақиятли ва сифатли бажариш учун ҳодимларнинг касбий билимларини ошириш ва такомиллаштириш бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда ўз мансабдорлик даражасидан бир поғона юқорида туриш;

– ҳарбий ва махсус билимларни эгаллаш;

– ўқувчиларни ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, тинчлик ва уруш даврида бўлинмалар, бўлинмалар ва қисмларнинг хизмат ва жанговар фаолиятини ўргатиш;

– хизмат ва жанговар топшириқларни бажариш ва жанговар хизматни кузатиш кўникмаларини ривожлантириш;

– бўлинма ходимларини тайёрлашнинг янги шакл ва усулларини жорий этиш ва такомиллаштириш.

Кўриниб турибдики, Қўриқлаш нарядларини тайёрлашда ўқитиш самарадорлигини оширишда хориж тажрибасидан ўрганиш керак бўлган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Шундай қилиб, мамлакатларда тинчлик ва осойишталик ҳамда унинг ички муҳофазаси, ташқи ва ички таҳдидларга қарши курашишга қаратилган ҳарбий ва бошқа чоралар мамлакатларнинг муҳим миллий манфаатлари ва стратегик устуворликлари орасида конституциявий тузумни, суверенитетни, давлат ва ҳудудий яхлитликни, ижтимоий барқарорликни, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш давлат хавфсизлик кучларининг тизимли фаолияти билан таъминланишда Миллий гвардия Қўриқлаш нарядлари алоҳида ўрин тутишини ҳисобга олиб, ушбу тизимни янада ривожлантириш ва нарядларини тайёрлашда ўқитиш самарадорлигини оширишда хориж тажрибасидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мазкур тизимга алоҳида эътибор ва моддий-техник база шакллантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги 2020 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ-647-сонли Қонуни.
2. Жаксылыков Руслан Фатихович, “Особенности организации повышения квалификации офицеров Национальной Гвардии Республики Казахстан”.

3. Феофилактов Илья Александрович, “Повышение эффективности служебно-плановых форм обучения военнослужащих войск национальной гвардии Российской Федерации”.

**ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР:**

4. <https://lex.uz>
5. <https://studbooks.net>